



КИТОБ ТУМАНИДАГИ ХОЖА ИМКОНАГИ МАЖМУАСИ: ЎРГАНИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИДАГИ МУАММОЛАР.

Қўйлиев Равшон Махманазарович

Мирзо Улугбек номидаги

Ўзбекистон Миллий Университети ўқитувчиси

Аннотация: Мақола Китоб туманидаги Хожа Имканаги мажмуаси тарихи, унинг устида олиб борилган илмий-тарихий ва муҳандислик-геологик тадқиқотларни ўрганилишига бағишиланган. Мақолада шунингдек, қурилиши ва таъмирлаш-консервация ишлари, ушибу жараёнда кузатилган муаммо ва камчиликлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Хонақоҳ, пештоқ, карвонсарой, тарҳ, гумбаз, лоджия, арка, фасад, грунт, реставрация, сейсмик.

Халқ орасида Хожа Имканагий номи ўзгартирилган шаклда Хожа Илимконий деб номланади. Бу шайбонийлар ҳукмронлигининг сўнгги даврида яшаган нақшбандия шайхларидан бирининг исми. 918/1512- 1008/1599 йилларда яшаган[1]. Нақшбандия тариқатининг фаол тарғиботчиларидан бири ва ўз даврининг донишмандларидан бўлган[2]. Хожа Имканагий жуда камтарин инсон бўлиб, доим ўзини халқ назаридан олиб қочган ва деярли қўриниш бермаган[3].

Мажмуа Китоб шаҳридан шарқ томонда бўлган Хожа Илмкон қишлоғида жойлашган. Қишлоқ XIX асргача тарихий асарларда Имкана деб номланган[4]. Хўжа Илмкони қишлоғи “Қашқадарё қишлоқномаси ” китобида қуидагича тавсифланади: “ Хўжайикана–Китоб туманидаги қишлоқ. Сўнгги давр маълумотларида бу номни Хўжаиқулли тарзида ёзиш ҳолати пайдо бўлди. Халқ нутқида Хўжаиқана талаффуз шакли ҳам бор. Кана сўзли қишлоқ номлари бир нечта: Искана (Китоб), Зачкана (Шаҳрисабз), Ваткана, Жинжаккана, Зинжаккана. Ҳозирги ўзбек, тожик, форс ва бошқа эроний тиллардан хона(уй, уй қисми, овул, қишлоқ, жой) сўзининг қадими шакли-кана. Маъноси –ҳовли, қўргон, работ. Бу сўзниң ибодатхона маъноси ҳам бўлган. Номнинг қадими шакли Хўжаиқана бўлган. Қадимда хўжа сўзи халқ сигинадиган, муқаддас деб билган жойлар номига қўшилган ва муқаддас, сажда қиласидиган жой (чинор, хонақоҳ, қабр, булоқ, чашма, тош, ибодатхона) бўлган қўргон, саждагоҳли қўргон (ибодатхона). Хўжаилмкони тарзида ёзиш хато. Бу



ном қишлоқларга бериш ва ном қўйиш анъаналарига зид. Илм+кон+и сўз ва қўшимчаларининг маъноси қишлоқ номлари бўлиш имкониятидан маҳрум”[5].

Ўз даврида исломни қабул қилган туркий олам халқлари “Хожагон” нақшбандия йўлидаги тасаввуф тарбиясини Хожа Имканагий мактабидан олганлар. У киши ташкил этган мадрасада диний илмлардан ташқари дунёвий илмлар ҳам ўргатилган. Ўз даврида ушбу мадрасада 400 дан ортиқ талабага диний ва дунёвий илмлар берилган. Хожа Муҳаммад Имканагийнинг фарзанди ва муриди Абдул Қосим Хожа Имканагий Хожа-Илмкон қишлоғида XVI асрда хонақоҳ қурдиради[6]. Хонақоҳ олдида эса отасига мақбара қурдиради. 1601-1602 йиллардан бошлаб, Мавлоно Хожа Имканагий хонақоси ва мозори атрофи зиёратгоҳ ва сўфийлик тариқатининг марказларидан бирига айланади. Шайбонийлар даврида масжид, хонақоҳ, мадраса қурилган. Аштархоний ҳукмдорлар даврида мажмуанининг қурилиши нухоясига етади.

XX асрнинг 30-40 йилларида мавжуд мадраса ва масжидлар бузуб ташланади. Мажмуа бинолари ғиштлари мактаб, завод қурилишига ташиб кетилган. Бир пайтлар ўзида 5 та масжид (маросимлар зали сифатида фойдаланилган хонақоҳ), мадраса ва карvonсаройни мужассам этган мажмуадан ҳозирги вактда фақатгина хонақоҳнинг зали қолган, холос. Тарҳига кўра у тўғри бурчакли (24x20,2 м), бурчакларида цилиндрли минора – гулдастали пештоқли-гумбазли иморат. Деворларида равоқлари мавжуд. Квадрат зали (11,3x11,8 м) - гумбазли. Иморатнинг гумбази 6,4 м диаметрни ташкил этади ва бир-бирини кесувчи тўрт равоқ ҳамда қалқонсимон елканларга таянади. Бинонинг нақшинкор усуллари оддий ва Бухоро меъморчилик мактабига хос.

1965-1967 йилларда мажмуанинг қуи қисмида дастлабки таъмирлаш ишлари амалга оширилган. 1978 йилда Ўзбекистон маҳсус илмий-реставрацион лойиҳа устахонасининг Ўзбекистон меъморий ёдгорликлари юзасидан илмий тадқиқот ва лойиҳа режаларига мувофиқ I ижодий устахона ходимлари Хожа Имконаги мажмуасини ўрганиш учун дастлабки тадқиқот ишларини бажаришга киришдилар.

Дастлабки ишлардан асосий мақсад меъморий реставрация топширикларини бажариш учун илмий тадқиқот ва лойиҳа ишлари ҳажми, сметасини тузиш бўлган. Лойиҳанинг бош меъмори С.Ф.Раҳматуллаев 1978 йили ёдгорлик билан танишувни амалга оширди. Бунгача ёдгорлик устида ҳеч ким илмий тадқиқот ишлари олиб бормаган эди.



1978 йили УзСНРПМ бўйича илмий тадқиқот ва лойиҳа смета ишлари режаси тузилган. 1978 йилда дастлабки ишларни амалга ошириш учун буюртма хат олинган[7].

Хожа Имконаги хонақоси ҳалқ тилида Хожа Илмкони деб номланган ва шу сабабдан таъмирлаш лойиҳа смета ишларида унинг номи Хожа Илмкони тарзида ёзилган. Ўша вақтда хонақо Китоб туманига қарашли Навоий колхози таркибида бўлган. Хожа Илмкони хонақоси XVI асрнинг иккинчи ярмига тааллукли меъморий ёдгорлик намунаси бўлиб унинг номланиши биринчи навбатда Хожа Абд ул Боқи билан алоқадор[8]. Меъморчилик мутахассислари ёзган ҳужжатларда бу шахс олим сифатида тақдим этилган ва унинг маъноси “Илмлар кони” деб нотўғри талқин этилган. Хонақо қабристоннинг ўртасидаги баланд тепалик устида жойлашган. У пештоқли-гумбазли йирик иншоот. Тарҳига кўра тўғри бурчакли, бурчакларида миноралар жойлашган.

Йирик квадрат зал узунлама ўқли иншоотнинг асосини ташкил этган бўлиб унинг деворларида 4 та нотекис ёйли равоқ мавжуд. Зал бир бирини кесувчи тўртта арк билан ёпилган. Улар зал (толор) орқали узатилган қалқонсимон елканлар билан комбинациядадир. Хонақонинг коридори ҳар тўрт томонда кириш эшигига эга. Асосий кириш эшиги шарқий равоқнинг марказида, қолганлари эса жануб ва шимолдан. Ғарбий равоқнинг қалин деворида икки хизмат эшиги бўлиб у меҳробнинг икки тарафида жойлашган. Бош кириш эшиги пештоқли арка билан безалган. Бош фасаднинг юқори равоқ қисмida уч қисмли лоджия қурилган.

Хонақо яқинида иккита даҳма жойлашган: шарқий тарафда йириги, жанубий тарафда эса кичик даҳма. Даҳма – тўғри бурчакли призмани ўзида мужассам этган ва юзасидан кулранг мармар билан қопланган бўлиб унинг ён томонлама юза қисмлари тўғри бурчакли ва квадрат бўшлиқларга тақсимланган ва улар ўйма мармар плиталар билан тўлдирилган.

Катта даҳманинг ўлчамлари тарҳига кўра $14,5 \times 12,3$ м, баландлиги 2,8 м. Кичик даҳма тарҳига кўра $4 \times 3,1$ м бўлиб унинг баландлиги 1 м. Даҳма устида турли ўт ўланлар орасида бир нечта қабртош ва стелалар учрайди.

Хонақонинг деворлари ички ва ташқи томондан пишиқ ғиштдан кўтарилган бўлиб, уларнинг ўлчамлари $27 \times 27 \times 5$ см, $28 \times 28 \times 5,5$ см. Ғиштлар гил, лой сувоқ билан териб чиқилган. Юза қисмидаги терилган ҳар икки ғиштлар ораси хом ғишт бўлаклари билан мустаҳкамланган.

Томининг ёпилиши гумбазли, ёйсимон. 1978 йилда ёдгорлик ичидаги конструктив унсурлар ҳолати қониқарли, фасад деворидагидаги терилган ғиштлар авариявий ҳолатда бўлган.



Деворлар бандларида бўртиб чиқишилар ва бузилишилар кузатилган. Бу айниқса жанубий фасаддаги деворда яққол кўринган. Томга олиб борувчи тўрт нарвон анча бузилиб қолган. Ҳар иккала даҳма қаровсиз ҳолда бўлиб уларда бузилишилар учраган.

Мармар блоклар хавфли эгилган. Айримлари йўқолиб ҳам қолган. Аҳволи аянчли бўлишига қарамай хонақоҳ маҳаллий аҳоли томонидан намоз ўқишиларда ва диний тадбирларда фойдаланилган.

Ёдгорликка эътиборсизлик, атмосфера сувларининг нотўғри туширилиши оқибатида жанубий девор бандларида катта бузилишилар кузатилган.

Маҳаллий аҳоли том устида бир неча маротаба ремонт ишларини амалга оширганлар. Бу тадбирлар деворлар бузилишининг секинлаштирган ва конструкциялар мустаҳкамлигини сақлашга кўмак берган. Меъморлар гумбазга таянч сифатида хизмат қилувчи асосий конструкциянинг қониқарли аҳволда эканлигини кузатишган.

Хонақо биносининг йўқотишилари 50 %гача. Йирик даҳманики - 70%гача бўлса, кичик даҳманики 80%гача.

Энг кўп зиён кўргани бу жанубий фасад ва унда ғиштлар орасидаги бандлар бузилиши кузатилган. Пештоқ ёйи ёриқлардан тўлиб кетган. Шарқий девор билан жануби-шарқий гулдаста орасида ёриқ пайдо бўлиб юқори қисмида 0,25%гача эгилган ва қиялашган. Томга олиб борувчи барча зиналар 80%гача бузилишиларга учраган.

Иншоотнинг умумий баландлиги 16 м. Мутахассислар ёдгорлик ва икки даҳманинг ҳолати авариявий ҳолатда деган хulosага келишган.

Ёдгорлик 7 балли сейсмик зонада жойлашган. Унда кўпсонли таъмирлаш ишлари ва қайта қуришлар ўтказилганлиги, ёдгорлик атрофида эса грунт кўтарилиганлиги аниқланган.

Лойиҳага қўра қўлланилиши қайд этилган конструкциялар ёдгорликни мустаҳкамлигини таъминлаши лозим. Шу билан бирга бу тадбирлар унинг меъморий қиёфасини на фасадларда, на интеръерларда бузмаслиги кераклиги таъкидланган. Конструктив тадбирлар жумласига темир бетон ва металл конструкциялар қўллаш эҳтимоллиги назарда тутилган. Қолган материаллар эса қадимгиларга ўлчамлари, ранги ва хусусиятларига қўра бир хил бўлиши лозимлиги қайд этилган.

Шунингдек ёдгорликни инженерлик жиҳатдан мустаҳкамлаш ва реставрация қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган.

Мазкур лойиҳа ишлари 1986 йили И.Исройлов директорлиги даврида УзНИПИ реставрация институти ходимлари ва мутахассислари томонидан





амалга оширилган. Лойиҳанинг муаллифлари А.Корчуганов, В.Забрицкая, В.Голев. Мазкур лойиҳада ёдгорликнинг характеристикаси ҳам тарихий ҳам табиий жойлашувидан келиб чиқиб таъриф килиб берилган. Ёдгорликни муҳофаза зонаси лойиҳаси ишлаб чиқилган[9].

Мазкур топшириқлар УзНИПИ реставрация институти лойиҳалар бош меъмори М.Пулатов томонидан тузилган. 2001 йилда лойиҳа корректураси қилинган[10].

“Хўжа Илмканагий” даҳмаларига яқин жода 2015 йилда янги замонавий масжид қурилди. У масжид “Хўжа Илмканагий” ҳазратларининг ва қишлоқнинг номидан келиб чиқиб “Хожа Илмкони” деб аталди. 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олиниб, расман фаолият кўрсата бошлади[11]. Масжид XXI аср услубида замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилган ҳолда қурилган. Бу мажмуанинг чиройини оширса ҳам, лекин унинг тарихийлигини шубҳа остига қўяди.

Хожа Илмкон ҳамда Имкана номлари билан аталган ушбу қишлоқ тарихий сир-саноатга эга бўлиб, қишлоқда жойлашган мажмуа тарихий кўриниши бўйича тикланса маҳаллий ва хорижий туристларни ўзига жалб қилиб, ички туризмни ривожлантиришда муҳим масканлардан бирига айланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мухаммад Амин ибн Мухаммад Азим Марғиноний Чимёний. Тазкиратул-атқиё. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўллўзма. Р: 9036.– Б.138
2. Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари.–Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б.347
3. Жўраева С., Асророва Л. Қашқадарё воҳаси алломалари ва зиёратгоҳлари тарихи. – Тошкент, 2024. – Б. 42.
4. Азизов М., Мухторов Ф. Кешнинг машҳур сиймолари. – Т.: 2014. – Б. 33-34.
5. Нафасов. Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Т.: 2009. – Б. 281.
6. Маньковская Л. Ю. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари (Йўл кўрсатгич). – Т.: Ўзбекистон, 1979. – Б. 61.
7. Предварительные работы по памятнику архитектуры хонако «Ходжа Илим-кан» в Китабском районе Каракалпакской области. Ташкент, 1978. – С.4
8. Султанов Х.Т., Гильманова Н.В. Историко-архитектурное и художественное наследие Каракалпакии. Ташкент, 2022, – С.231.



9. Проект охранной зоны, зоны регулирования застройки, зоны охраняемого ландшафта памятника архитектуры Ханака Ходжа Илм кан Кашкадарьинская область Китабский район колхоз имени Навои. Ташкент, 1985. – С.5

10. Архитектурно-реставрационное задание на выполнение корректуры научно-исследовательский и проектно-изыскательской документации реставрации по комплексу Ходжа Илим Кан в Китабском районе Кашкадарьинской области. Ташкент, 1986.

11. <https://nasafziyo.uz/index.php?newsid=1677>

